

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Navoiy IES" AJ

Объявление

"NAVOIY ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

"NAVOIY IES" AJ ЭЪЛОН ИАХ ТАНЛОВ

### **"Навоий ИЭС" АЖ ички аудит хизматига ходимларни ёллаш учун танлов эълон қилади!**

Танловда иштирок этиш учун 2023 йил 30 ноябрга қадар 210605, Навоий вилояти, Кармана тумани, "Уйрот" МФЙ жойлашган "Навоий иссиқлик электр станцияси" АЖ почта манзилига ёки электрон почта E-mail: info@nies.uz орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза юборилиши лозим:

- резюме;
- паспорт ва диплом нусхалари;
- аудитор ва ички аудитор сертификати нусхаси;
- хар йили малака ошириш курсини ўтаганлиги тўғрисида ҳужжатлар нусхалари.
- танлов ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар.

Номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

– Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумот.

– охирги ўн йилнинг камида беш йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) иш стажини тўғрисида маълумот (объективка);

- энергетика соҳаси ҳақида етарли маълумот;

– аудиторлик бўйича махсус кўникмаларни билиш ва қўллаш қобилияти, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини билиш (қўллаб-қувватланади).

Ички аудит хизмати ходимларини ёллаш танлов асосида жамият Кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефон: (79) 532-58-08, (09), (79) 532 58 11 (79) 532-58-01

Кўрсатилган муддатлардан кейин киритилган таклифлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

15.11.2023

---

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16469/>

Дата: 25.06.2026